



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғойбназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Махкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

Бекназар Абдухалилович Султонов – Тошкент давлат иктисодиёт университети
Самарқанд филиали ассистенти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ГАСТРОНОМИК ТУРИСТЛАР ХУЛҚ-АТВОРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада биз Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи 279 та респондентдан олинган сўровнома натижаларини таҳлил қилдик. Таҳлил натижаларига кўра потенциал туристларнинг таомланишга сарф-харажати ошиши билан уларнинг ўз уйдан узоқроқ масофага таомланиш учун саёҳат қилиши аниқланди. Бундан ташқари, туристлар бюджетида таомланиш харажати улушининг ўсиши уларнинг гастронимик туризм билан шуғулланиш эҳтимолининг ўсишига олиб келиши илмий асосланди.

Калит сўзлар: гастронимик туризм, логистик регрессия, таомланиш, сифат, эстетика, маданият, даромад.

Кириш. Бугунги кунда кўплаб давлатларда гастронимик ва вино туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Гастронимик туризм деганда инсонларнинг овқатланиш мақсадида ўз уйдан камида 90 километр масофага камида 1 кечага саёҳат қилиши тушунилади¹. Вино туризми эса гастронимик туризмнинг бир бўлаги бўлиб, туристларнинг вино тайёрлаш жараёнини кўриш, вино навларини татиб кўриш каби мақсадлар учун саёҳат қилиши тушунилади.

Гастронимик туризм айниқса қишлоқ жойларни ривожлантиришда, аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Гастронимик туризмни ривожлантириш орқали қишлоқ ҳудудларида иш ўринларини яратиш ва инфратузилмани ривожлантириш имконияти пайдо бўлади².

Бундан ташқари, гастронимик туризм мамлакатнинг маданий цивилизациясини дунёга танитишда муҳим восита ҳисобланади. Масалан, Франция Республикаси биринчилардан бўлиб гастронимик туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратди ва натижада жаҳонда гастронимик туризм маркази мақомига эришди. Европада гастронимик туризмнинг ривожланганлиги бўйича Франциядан ташқари Испания, Италия ҳамда Туркия давлатларини ҳам эътироф этиш мумкин³. Ушбу давлатларнинг ҳар бирида ўзига хос таомлар ва таом тайёрлаш услублари мавжуд бўлган ҳолда машҳур ресторанлар ташкил қилинган бўлиб, уларга ҳар йили миллионлаб туристлар ташриф буюради⁴.

Таомланиш учун ташриф буюриш бу фақатгина физиологик эҳтиёжни қондириш эмас, балки эстетик завқ ва янги тажрибаларга эга бўлишни мақсад қилиши мумкин⁵. Маданий нуқтаи назардан эса бир жамият аъзолари бошқа жамият аъзоларининг ейдиган таомларига қараб уларнинг ҳаёт тарзи ва турмуш даражаси ҳақида тасаввурга эга бўлади⁶.

Ҳар қандай саёҳат жараёнида таомланиш бу ўз-ўзидан юз берадиган ҳодиса ҳисобланади. Аммо гастронимик туризмда турист айнан таомнинг маълум бир миллий кадрият ва тарихий келиб чиқиши орқали ташриф буюрган мамлакат ҳақида чуқурроқ билимга эга бўлишга интилади. Ўзбекистонда ҳам гастронимик туризмни ривожлантириш имкониятлари жуда юқори ҳисобланади. Хорижлик ва маҳаллий туристлар мамлакат ҳудудларига асосан миллий таомлар бўлган ош палов, нон, тандир кабоб, сомса, лағмон, манти, мастава, ҳасип, турли виноларни таътиб кўриш учун ташриф буюришади⁷. Шу боисдан, республикада гастронимик туризмни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш,

¹ <https://www.unwto.org/gastronomy-wine-tourism>

² <https://www.scirp.org/journal/paperinformation.aspx?paperid=91391>

³ <https://holgems.com/gastronomicheskie-turiy-v-evropu>

⁴ K.Mirzaev, B.Janzakov. The ways of ensuring competitiveness in tourism. Book. LAP LAMBERT Academic Publishing (August 19, 2020). ISBN-10 : 6202795982. 88 pages

⁵ Schlüter, R.G.. (2011). Anthropological roots of rural development: A culinary tourism case study in Argentina. *Tourismos*. 6. 77-91.

⁶ González Turmo, Isabel. (1999). Análisis de un recetario desde la antropología social (prólogo).

⁷ <https://uzbekistan.travel/ru/v/gastronomicheskiy-turizm/>

сифат ва миқдорий таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда гастрономик туризмга талабни баҳолаш, соҳанинг келажақда ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Туризмни ривожлантириш борасида мамлакатимизнинг бир қанча олимлари тадқиқот олиб борганлар. Булар жумласига М.Қ.Пардаев, Н.Тухлиев, И.Тухлиев, Р.Ҳайтбаев, Р.А.Исломова, О.Ҳ.Ҳамидов, У.Р.Матякубов, Б.С.Бердиёров, Б.Қ.Жанзаков кабиларни киритиш мумкин. Аммо ушбу ишларда айнан Гастрономик туризмнинг ҳолати алоҳида ўрганилмаган. Шу туфайли ушбу масала долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида биз Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи 279 та респондентдан таомланишга қанча харажат қилишга тайёрлиги, яхши таомланиш учун неча километргача бориши, ёши, жинси, аввал гастрономик туризм билан шуғулланганлиги бўйича саволларга жавоб олдик. Ушбу сўровнома натижалари потенциал туристларнинг хулқ-атворини ўрганишга имконият берди. Бунда биз таҳлил усуллари сифатида чизикли регрессия ҳамда логистик регрессия моделларидан фойдаландик.

Таҳлил ва натижалар. Биз гастрономик туризмга аҳолининг қизиқиши ва гастрономик хизматларга эҳтиёжини баҳолаш мақсадида 279 та респондентдан сўровнома ўтказдик. Ушбу сўровномада аҳолидан гастрономик туристик хизмат учун қанча пул сарфлаши мумкинлиги, аввал гастрономик туристик саёҳатга чиққанлиги, яхши таомланиш учун қанча масофагача саёҳат қилишга тайёрлиги каби саволларга жавоб бериш талаб қилинди.

Биз омилар ўртасида корреляцион боғланишни аниқлаш мақсадида чизикли регрессия тенграмасидан фойдаландик. Натижада аҳолининг таомланишга кетадиган харажати ҳамда яхши таомланиш учун боришга тайёр бўлган масофа ўзгарувчилари ўртасида статистик боғланиш бор эканлиги аниқланди.

Шартли равишда биз яхши овқатланиш учун боришга рози бўлган масофани Y (ўлчов бирлиги, 5 км) деб ҳамда таомланишга кетадиган бир кунлик ўртacha харажатни X (ўлчов бирлиги, ўн минг сўм) деб белгилаб олдик. Чизикли регрессия натижаси 1-жадвалда MS EXCEL дастури ёрдамида чиқарилди.

1-жадвал.

Моделнинг статистик кўрсаткичлари

Ўзгарувчилар	R квадрат	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	P-қиймат
Y-пересечение		1,46	0,20	7,34	0.000
Таомланишга кетадиган бир кунлик харажат, ўн минг сўм, X	0,02	0,24	0,094	2,52	0,01

1-жадвал маълумотларидан r қиймат нолга жуда яқин сон эканлигидан 99% ишончлилик даражасида X нинг Y га таъсири статистик аҳамиятга эга деган хулосага келиш мумкин. Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида чизикли регрессия моделини қуйидаги алгебраик кўринишга келтириш мумкин:

$$Y = 0,24X + 1,46$$

Яъни потенциал туристнинг таомланишга кетадиган 1 кунлик харажати 10 минг сўмга ошса, у яхши таомланиш учун боришга тайёр бўлган масофа $5 \cdot 240 = 1200$ метрга ўсар экан. Аммо ушбу модел эрксиз ўзгарувчининг атиги 2%ни ўзгаришини тушунтириб бера олади.

Шу билан бирга, биз логит модели ёрдамида туристлар неча фоиз даромадини овқатланишга сарфлаши-X (ўлчов бирлиги 5%) ҳамда уларнинг гастрономик турист бўлганлиги ($P_g = 1$), бўлмаганлиги ($P_g = 0$) ўртасида статистик боғланиш борлигини аниқладик. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Биз 2-жадвал маълумотларини қуйидаги логит модели кўринишида тасвирлашимиз мумкин:

айтганда, аҳоли қанчалик кўпроқ таомланишга пул сарфласа, уларнинг гастрономик туризм билан шуғулланиш эҳимоли шунчалик юқори бўлар экан.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган таҳлил натижаларидан шуни хулоса сифатида айтиш мумкинки, туристларнинг таомланишга харажати ҳажмининг ўсиб бориши уларнинг ўз уйдан узоқроқ масофага таомланиш учун боришига сабаб бўлиши мумкин. Яъни инсон таомланишда хилма-хиллик ва янги таъмларни кашф қилишни истар экан, у таомланиш учун узоқроқ масофани ҳам босиб ўтишга тайёр бўлади. Шу билан бирга, потенциал туристларнинг бюджетида таомланиш харажатлари улуши ошиб борар экан, уларнинг гастрономик туризм билан шуғулланиш эҳтимоли ўсиб бориши илмий асосланди.

Бизнинг фикримизча, мамлакатда гастрономик туризмни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Худудларда миллий таомларга ихтисослашган ресторанларни кўпайтириш учун субсидия ажратиш;
2. Йилнинг турли ойларида турли худудларда махсус таом фестивалларини ташкил этиш;
3. Ягона миллий таомлар каталоги ва уларнинг келиб чиқиш тарихи бўйича материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;
4. Таомларнинг тайёрланиш жараёни бўйича қисқа метражли фильмлар суратга олиш ва ижтимоий тармоқларда тарқатиш;
5. Европада йирик рестораторлар тажрибасини ўрганган ҳолда дегустация марказлари, ошпазлар ўртасида мусобақалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

Шу ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш республикада гастрономик туризмнинг жадал суръатлар билан ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.unwto.org/gastronomy-wine-tourism>
2. <https://www.scirp.org/journal/paperinformation.aspx?paperid=91391>
3. <https://holgems.com/gastronomicheskije-turiy-v-evropu>
4. Schlüter, R.G.. (2011). Anthropological roots of rural development: A culinary tourism case study in Argentina. *Tourismos*. 6. 77-91.
5. González Turmo, Isabel. (1999). Análisis de un recetario desde la antropología social (prólogo).
6. <https://uzbekistan.travel/ru/v/gastronomicheskij-turizm/>
7. K.Mirzaev, B.Janzakov. The ways of ensuring competitiveness in tourism. Book. LAP LAMBERT Academic Publishing (August 19, 2020). ISBN-10 : 6202795982. 88 pages

Б. Султанов	B. Sultanov
<p>Анализ поведения гастрономических туристов на примере Самаркандской области</p> <p>Аннотация. В данной статье проанализированы результаты опроса 279 респондентов, проживающих в Самаркандской области. По результатам анализа, увеличение расходов на трапезу для потенциальных туристов, влияет на увеличение дистанции для поездки на обед. А также, с увеличением доли расходов на пищу, повышается вероятность туристов заняться гастрономическим туризмом.</p> <p>Ключевые слова: гастрономический туризм, логистическая регрессия, трапеза, качество, эстетика, культура, доход.</p>	<p>Analysis of the behavior of gastronomic tourists in the case of Samarkand region</p> <p>Abstract. This article analyzes the results of a survey of 279 respondents living in Samarkand province. According to the analysis, an increase in the cost of a meal for potential tourists affects the increase in the distance for a trip for lunch. Also we found that with an increase in the share of spending on food, the likelihood of tourists to engage in gastronomic tourism increases.</p> <p>Keywords: gastronomic tourism, logistic regression, meal, quality, aesthetics, culture, income.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023